



АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ

Хаджимуратов Абдуқаҳҳор Абдумуталович -
 Иқтисод фанлари доктори, Фарғона жамоатчилик
 саломатлиги тиббиёт институти
 Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

[doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a47](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a47)

Аннотация. Мақолада агросаноат интеграциясининг замонавий тадбиркорлик вакили – кластерлар фаолиятидаги “қўшилган қиймат занжири”нинг ҳосил бўлиш жараёни ўрганилган. Бунга кўра, агросаноат ишлаб чиқаришининг дастлабки, оралиқ ва якуний маҳсулотларининг аҳамиятига тўхталиб, бундаги издош корхоналар иқтисодий муносабатларида “қўшилган қиймат занжири”нинг яратилиш механизми ёритилган ва бу тушунчага иқтисодий категория сифатида ёндашилиб таъриф берилган. Шу билан биргаликда, мамлакатимизда бу жараённинг тадбиркорлар иқтисодий муносабатларида тенденцияга айланиб бораётганлиги тушунтирилиб, унинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва аниқланган бир қатор муаммоларни ҳал қилишда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, хомашё, агросаноат мажмуаси, дастлабки маҳсулот, оралиқ маҳсулот, якуний маҳсулот, агросаноат интеграцияси, агрокластер, технологик занжир, қўшилган қиймат занжири.

ЦЕПОЧКА ДОБАВЛЕННОЙ СТОИМОСТИ В АГРОПРОМЫШЛЕННОЙ ИНТЕГРАЦИИ

Хаджимуратов Абдуқаҳҳор Абдумуталович -
 доктор экономических наук, Ферганский
 медицинский институт общественного здоровья,
 Доцент кафедры «Общественных наук»

Аннотация. В статье рассматривается процесс формирования «цепочки добавленной стоимости» в деятельности кластеров, современного представителя предпринимательской агропромышленной интеграции. В соответствии с этим описывается значение первичной, промежуточной и конечной продукции агропромышленного производства, механизм создания «цепочки добавленной стоимости» в экономических отношениях следующих предприятий и рассматривается данное понятие как экономическая категория. При этом разъяснено, что данный процесс становится тенденцией экономических отношений предпринимателей в нашей стране, оценено его современное состояние и даны рекомендации по решению ряда выявленных проблем.

Ключевые слова: сельское хозяйство, сырье, агропромышленный комплекс, исходный продукт, промежуточный продукт, конечный продукт, агрокластер, технологическая цепочка, цепочка добавленной стоимости.

CHAIN OF SURPLUSAGE VALUE IN AGRICULTURAL INTEGRATION

Khadzhimuratov Abdukakhkhor Abdumutalovich –
 Doctor of Economic Sciences,
 Fergana Medical Institute of Public Health,
 Associate Professor of the Department of Social Sciences

Annotation. The article examines the process of formation of a "chain of surplusage value" in the activities of clusters, a modern entrepreneurial representative of agro-industrial integration. Accordingly, the importance of primary, intermediate and final products of agro-industrial production, the mechanism of creation of "chain of surplusage value" in the economic relations of the following enterprises is described and this concept is approached as an economic category. At the same time, it was explained that this process is becoming a trend in the economic relations of entrepreneurs in our country, its current state was assessed and recommendations were made to address a number of identified problems.

Keywords: agriculture, raw materials, agro-industrial complex, primary product, intermediate product, final product, agro-industrial integration, agrocluster, technological chain, chain of surplusage value.

Кириш. Ҳозирги даврда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда аграр соҳани янада ислоҳ қилиш, шунингдек, модернизациялаш алоҳида ўрин эгаллайди. Шунга кўра, яқин йиллардан буён агро-саноат интеграциясида тадбиркорликнинг янги кўриниши – кластерлар фаолиятининг жорий қилиниши билан “қўшилган қиймат занжири” тушунчаси мамлакатимизнинг хўжалик юритиш ҳаётига кириб келди ва ҳам қонун-меъёрий ҳужжатларда, ҳам амалиётда қўлланилиши одат тусига кирди. Ўйлаймизки, бу термин ўз-ўзидан пайдо бўлмади, балки вазият тақозосидан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида зарурат сифатида намоён бўлди ва ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий муносабатлари таркибидан ўз ўрнини топди. Бинобарин, бугунги кунда “...қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратишга устувор вазифалар сифатида қараймиз”[1]. “Қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади”[2].

Ваҳоланки, мамлакатимизда бундай устувор вазифаларнинг бугунги кундаги долзарблигидан келиб чиқиб, ушбу мавзунини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда аграр соҳа ҳар томонлама ривожлантирилиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми такомиллаштириб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалиги стратегиясини белгилашга қаратилган тарихий қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Булардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони[2] ва шу “стратегия”га мувофиқ белгиланган мақсад ва вазифаларни ўрганишимиздан аниқландики: мазкур стратегиянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, бунда белгиланган устувор йўналишлардан бири бўлган “қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш” вазифасига назарий жиҳатдан асосландик.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида ўрганиб чиқишимиздан аниқландики: “Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”нинг устувор йўналиши бўйича белгиланган вазифалардан бири 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизгача тушириш белгиланган”лиги эътиборга олинди [3].

Бинобарин, бунга кўра аграр соҳанинг дастлабки маҳсулоти, бутун бир агросаноат комплексининг бошқа соҳалари ривожланишига асос сифатида, унинг хомашёсини мамлакатимиз ичкарисида тўлиқ қайта ишлаш, яъни бу жараёнда “қўшилган қиймат занжири”ни ҳосил қилиш мақсадидан келиб чиқиб, соҳани модернизация ва диверсификация қилиш, соҳага бозор иқтисодиёти тамойилларини амалда жорий этиш бўйича пахтачиликда тўлиқ кластер тизимига ўтиш ва кооперация муносабатларини ривожлантиришга қаратилгандир.

Танланган мавзу бўйича илмий адабиётларни ўрганиб чиқишда қуйидагилар аниқланди. Биринчи гуруҳ муаллифлар: Зоҳидов Г.Э. (Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубияти. Монография. –Т.: “Fan” нашриёти, 2016)[4]; Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Муродова М. (Агрокластер: ташкил этишнинг назарий асослари. // Иқтисод ва молия. 2014. 2-сон.19-25-бетлар) [5]; шу муаллифларнинг (Агрокластерларни ташкил этишда Жанубий Корея тажрибасидан фойдаланишнинг йўналишлари. // Иқтисод ва молия. 2014. 3-сон. 39-44-бетлар) [6];

Маматқобулов Ш., Жалилов Ш. (Кластер тизимида сифат ва иқтисодий самарадорлик масалалари. // Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi. 2021. 1-сон. 95-97-бетлар) [7]; Джаббаров С. (Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. // Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi. 2021. 2-сон. 103-105-бетлар) [8]ларнинг тадқиқотларида кластерларнинг моҳияти ва ташкилий жиҳатлари ёритилган.

Иккинчи гуруҳ муаллифлар: Тошболтаев М. (Инновацион кластерларнинг моҳияти ва ривожланиш истиқболлари. // Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi. 2019. 3-сон. 3, 4-бетлар) [9]; Бурхонов А., Абдувоҳидов А., Тошбоев Б. (Ўзбекистонда кластерлар фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари. // Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi. 2019. 3-сон. 107-109-бетлар) [10];

Раджабов К., Эркаева Б. (Особенности формирования и организационная модель региональных межотраслевых кластеров в текстильной промышленности. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2019. 5-сон. 119-120 бетлар) [11]; Ўлжабоев К., Ярашова В. (Агротрастлар таракқийтининг логистик аспекти. // *O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi*. 2019. 2-сон. 28-30-бетлар) [12]ларнинг тадқиқотларида кластерларнинг жаҳонда кенг тарқалган Европа, Осиё, Америка, Хитой ва Ҳиндистон моделлари ўрганилиб, Ўзбекистонга айнан Осиё модели тавсия этилган.

Учинчи гуруҳ муаллифлар: Абдуқодирова С., Минасипов Б. (Ўзбекистон шароитида агротрастлар ҳудудини тақил этишининг самарадорлиги. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2022. 4-сон. 44-б.) [13]; Абдуқодирова С. (Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ туманида пахтачилик агротрастларини ташкил этиш хусусиятлари. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2022. 2-сон. 95, 96-бетлар) [14]; Мирзаев Қ.Ж., Раҳимова З.К. (Агротрастнинг кластерлаш. // *Иқтисод ва молия*. 2020. 3-сон. 38-44-бетлар) [15]лар агротрастлар фаолияти ташкилий томонларига (шунингдек, иқтисодий агротрастлар атамасига ҳам) ёндашилган.

Бу манбаларда “қўшилган қиймат занжири”нинг туб моҳиятига кенг маънода, алоҳида тўхтаб ўтилмаган. Булар билан бир қаторда ўрганишимизда, Архипова О. (Глубокая переработка сырья – основной резерв развития текстильной промышленности Узбекистана. // *Бозор, пул ва кредит*. 2017. 10-сон. 18-25-бетлар) [16]нинг ушбу мавзуга илмий ёндашувлари бевосита эътиборлидир. Бунда “қўшимча қиймат занжири” ҳосил бўлиш жараёнига иқтисодий жиҳатдан қараб, ҳар бир бўғинда қийматнинг ошиб бориши исботлаб берилган.

Шунингдек, ўрганилган манбалар ичида энг диққатга сазоворлиси М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов (Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. – Т.: Замин нашр, 2018) [17]лар илмий монографиясида агротраст интеграциясида кластерлар фаолияти жаҳон тажрибасига кўра ўрганилиб, унга инновацияга оид интеграция масалалари атрофлича таъриф берилган ва мамлакатимиз шароитидан келиб чиқиб, унинг зарурати ва истиқболлари кўрсатиб берилган. Бунда ҳам “қўшимча қиймат занжири” ҳосил бўлиши кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун бу ва бундан олдинги манбага мавзуни ёритишда қисман асосландик. Лекин мавзуга оид манбаларни

ўрганиб чиқишда шунга иқдор бўлиндики, бу ва бошқа илмий адабиётларнинг бирортасида “қўшилган қиймат занжири”нинг иқтисодий категория сифатида ўрганилганлиги ва унга таъриф берилганлигини учратмадик. Ҳатто, “Иқтисодиёт назарияси” (Шодмонов Ш, Раҳматов М. Иқтисодиёт назарияси. Дасрлик. – Т.: Замин нашр, 2021. -856 б.) дарсликлари [18] ва мавзуга оид бўлган (Агротраст мажмуаси иқтисодиётини кластерлаштириш. – Т.: “Classic” нашриёти, 2022) ўқув қўлланма [19] ҳам шунга тааллуқлидир.

Булар билан биргаликда, яқин йилларда чет элларда нашр этилган Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланишига оид бўлган манбалар ҳам ўрганилди. Булар: Margianti E.S. et al. (*Entrepreneurship in Uzbekistan: trends, competitiveness, efficiency. – Indonesia, Jakarta, Gunadarma Publisher. 2016*) [20], Курпаяниди К.И. (Оценка эффективности развития предпринимательства в Узбекистане. *International Book Market Servict Ltd., Germany, 2018*) [21], Курпаяниди К.И., Ашуров М.С. (Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолати ва уни самарали ривожлантириш муаммоларини баҳолаш. Монография. *GlobEdit Academic Publishing, European Union, 2019*) [22], Арипов О.А. (Приоритетные направления развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. // *Российское предпринимательство*, 2017, т.18, № 24) [23]ларнинг илмий қарашларида Ўзбекистондаги тадбиркорлик фаолиятининг ҳозирги даврига танқидий ёндашилган, лекин бу илмий адабиётларда ҳам “қўшилган қиймат занжири”нинг иқтисодий категория сифатида ўрганилганлигини учратмадик.

Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, мавзу илмий адабиётларда кам ўрганилган, аниқроғи, деярли ўрганилмаган. Шу боисдан агротраст маҳсулоти таркибини аниқлашда дастлабки илмий хулосаларимизга мурожаат қилинди [24] ва “қўшилган қиймат занжири” категорияси тарифига ёндашув Жанонова С. (Терминология в сельском хозяйстве. // *O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2021. 8-сон) [25]нинг ишлаб чиққан тармоқлараро терминологиянинг яратилиши принципларига асосландик.

Тадқиқот методологияси. Мақолада биз ҳозирги давр агротраст интеграциясидаги тадбиркорлик муносабатларини тарихий, иқтисодий, мантиқий тамойиллари, детерминистик ёндашув ва дискурс таҳлил усулида кўриб чиқдик. “Қўшилган қиймат занжири” тушунчасини иқтисодий муносабатларда

категория ва тенденция сифатида ўрганишимизда тарихий ва мантикий усуллар бирлиги, илмий абстракция, тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш ва таққослаш, каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилди. Булар:

– тарихий ва мантикий усуллар бирлиги кўра, мамлакатимизда кейинги беш йил давомида бўлиб ўтган иқтисодий ҳодисаларга тарихий жараён сифатида қаралиб, қўшилган қиймат занжири жараёни, бозор иқтисодиёти муносабатларининг янги турлари шакллантирилиши ва ривожланиб боришидаги ички зарур қонуният деб ўргандик;

– илмий абстракция усулига кўра, биз таҳлил пайтида бир бутун бозор ишлаб чиқариш муносабатлари ичида бўлиб ўтган ҳодиса ва воқеаларнинг иккинчи даражалисини четлаштириб, эътиборни фақат методологик жиҳатдан аниқлаб олинган, ўрганилаётган мавзуга, яъни қўшилган қиймат занжири ҳосил бўлиши жараёнига оид бўлган факт ва рақамларга қаратдик;

– тизимли таҳлил усулига кўра, қўшилган қиймат занжири жараёнини ўрганишни дехқончиликдан бошлаб, сўнгра аграр соҳанинг sanoat билан интеграциялашуви соҳаларига қаратдик;

– статистик гуруҳлаш усули бўйича ҳозирги Ўзбекистон аграр соҳасининг маҳсулотли гуруҳларга ажратилиб: дастлабки, оралиқ ва пировард маҳсулотларга айланишидаги интеграция жараёнининг иқтисодий жиҳатдан нафлилиги ўрганилди ва тадбиркорлик тузилмаларининг бу занжирга боғланишидаги ҳозирги ҳолатига хулоса қилинди. Шунга кўра, бу маҳсулотлар ўртасидаги нисбат таққосланиб, асосий урғу оралиқ маҳсулотга берилди ва хомашёнинг пировард маҳсулотга айланишини, яъни хомашёни мамлакатимиз ичкарасида тўлиқ қайта ишлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида қўшилган қиймат занжирининг тенденцияга айланиб бораётганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Маълум бўлишича, бугунги кунда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятида “қўшилган қиймат занжири” иқтисодий муносабат сифатида иштирок этмоқда ва термин сифатида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қўлланилаётган экан, ушбу тушунчанинг мазмуни аниқлаб олиниши муҳим аҳамиятга эга. Ваҳоланки, бунинг тўлиқ моҳиятини билмай, фаҳмламай туриб, илмий ва амалий ҳаётда кўзланган натижага эришиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Шундай экан, “қўшилган қиймат занжири” нима ўзи? У қандай тушунчага эга? Тушун-

чага иқтисодий категория сифатида ёндашиб, атрофлича талқин қилишга уриниб кўрамиз. Ўйлаймизки, ушбу кўндаланг қўйилган вазифани тўғри ҳал қилишни унинг туб негизини ўрганишдан бошлашимиз тўғри бўлади, яъни агросаноат интеграциясининг илк босқичидан бошлаб, якуний нуқтасигача бўлган ишлаб чиқариш муносабатларининг масалага тааллуқли бўлган моментларини кўриб чиқамиз.

“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимги, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан биридир” [1, 159 б.]. Агросаноат мажмуасининг дастлабки маҳсулоти инсон томонидан табиатдан олинандиган, фақат қишлоқ хўжалигида яратилган, кейинчалик айланма ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари сифатида агросаноат ишлаб чиқариш жараёнига кириштириш учун мўлжалланган истеъмол қийматидир. Иқтисодиётнинг табиий хомашё ресурси сифатида у тоғ-кон sanoati ва қишлоқ хўжалиги (ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бирламчи тармоқлари деб аталандиган) маҳсулотларини ташкил этади ва шу тармоқлар доираси билан қатъий белгиланади. Бундан ташқари унинг қишлоқ хўжалигида тарқалиши, масалан, тоғ-кон sanoati билан таққослаганда, ўзига хос хусусиятларга эга: бу ерда ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулот кейин бошқа тармоқларда қайта ишлашни тақозо этади ва айнан шу хомашё кейинги кетма-кетликдаги даврларни ҳаракатга келтирувчи манба бўлиб хизмат қилади.

Агросаноат комплексининг ўзига хос хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, якуний натижаларни шакллантириш ва тақсимлаш хусусиятларига эга. Sanoatдан фарқли ўлароқ, маҳсулотнинг мунтазам ишлаб чиқарилиши рўй бермайди, гарчи меҳнат фаолияти йил давомида амалга оширилса ҳам, бундан моҳиятан ўзига хос харажатлар келиб чиқади. Шунинг учун якуний натижаларни аниқлаш мураккабдир ва буни шартли равишда тахминан амалга ошириш мумкин. Маълумки, агросаноат мажмуасига кирувчи ҳар қандай тармоқнинг якуний натижалари ушбу тизим нуқтаи назаридан оралиқ жараён ҳисобланади. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилгандан сўнг, истеъмолчига етиб боришдан олдин бир қанча кейинги босқичлардан ўтади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳаракати ва улардан фойдаланишнинг якуний бўғинида, яъни истеъмол босқичида жамият томонидан олинган натижалар биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу-

тун агросаноат мажмуасининг фаолият кўрса-тишида халқ хўжалиги бўйича эришиладиган якуний натижалар нафақат аграр тармоққа, балки яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиш билан боғлиқ бўлган барча бўғинларнинг якуний натижасига ҳам боғлиқдир.

Шунинг учун дастлабки маҳсулот қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бирламчи натижаси сифатида куйидагича тақсимланади: бир қисми қишлоқ хўжалиги тармоғи хўжаликларида ички мақсадлар учун, яъни янги ишлаб чиқариш даврини ташкил этиш учун қолади. Масалан: уруғ сифатида дон, қорамол таркибини тўлдириш учун ёш ҳайвонлар ва ш.к.; қолган қисми агросаноат мажмуасининг бошқа тармоқларига хомашё сифатида сотиш йўли билан ўтказилади. Бу шуни англатадики, агросаноат мажмуаси нуқтаи назаридан якуний маҳсулот шаклланиши икки йўналишга эга: дастлабки маҳсулотнинг бир қисми янги давр учун ишлаб чиқаришнинг аввалги жойларига қайтади, иккинчиси эса ишлаб чиқарилган жойдан бутунлай чиқиб кетади, яъни миллий иқтисодиётнинг маҳаллий бошқа тармоқлари учун ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилади. Айнан шу йўналтириш агросаноат интеграциясининг дастлабки боғланишидир.

Бундан ташқари дастлабки маҳсулотнинг бир қисми якуний маҳсулот шаклини олади. Шундай қилиб, оз миқдорда озик-овқат маҳсулотлари саноатда қайта ишланмасдан, ички (шахсий ва жамоат) истеъмолига киради. Масалан, унинг бир қисми болалар ва давлат муассасаларида, умумий овқатланиш корхоналарида фойдаланилади. Айтганча, бизнинг статистика тўпламларимизда бундай маълумотлар йўқ.

Буларнинг барчаси дастлабки маҳсулотни икки томоннинг бирлигида кўриб чиқиш мумкинлигидан далолат беради: агросаноат мажмуаси умумий маҳсулотининг энг муҳим таркибий элементи сифатида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида функционал роли нуқтаи назаридан ва иккинчи томони эса оралиқ ва якуний маҳсулот билан диалектик алоқасини очиб беради.

Ваҳоланки, қандай ижтимоий тузум бўлишидан қатъи назар кишилар табиат томонидан инъом қилинган моддий неъматларни ўзлаштириш, уларни турли йўллар орқали ўз эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Ўз навбатида, янги техника ва технология асосида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш якуний маҳсулот бир-

лигининг чиқиш коэффиценти ошишига олиб келади. Натижада дастлабки, оралиқ ва якуний маҳсулотларнинг ҳажмлари ўртасидаги нисбат иккинчиси фойдасига сезиларли даражада ўзгаради. Бу жараёндаги ўсиш элементлари ўртасидаги нисбатга, яъни дастлабки (хом) ва якуний маҳсулотларнинг ҳажми ва сифатига кўплаб омиллар таъсир қилади.

Дастлабки маҳсулотни тақсимлаш тенденцияларини ҳисобга олиш лозим бўлади ва мисол сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишда асосий моддани эгаллаган донга мурожаат қилайлик. У ердаги баъзи ҳисоб-китобларга кўра, аллақачон йиғиб олинган ҳосилнинг йўқолиши биз сотиб олгандан кам бўлмаслиги мумкин. Ўрим-йиғим техникасининг камлиги ва номукамаллиги туфайли буғдойзорда қанча дон йўқолади? Ростдан ҳам хориждан ғалла олиб келиш мамлакат хўжалиги ишлаб чиқаришини тартибга солишдан кўра арзонроқ тушадими? Яна бир мисол. Ғалланинг асосий қисми емхашак учун, шу жумладан, қарийб ярми чорва емига сарфланади. Лекин бу очикдан-очик нотўғри бошқарув, балки исрофгарчиликдир! Ахир бунини хўжалиқда қайта ишлаб чиқарилса, самараси кўпроқ бўлиши ҳаммамизга маълум. Шунга қарамасдан, имкониятдан келиб чиқиб, анча кам ҳосил олинадиган экинларда, қорамоллар рационига кўпол ва ширали ердан фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам физиологик жиҳатдан анча мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, доннинг салмоқли қисми омукта ем орқали эмас, қайта ишланмаган шаклда озиклантиришга сарфланаётгани, омукта емнинг мутлақ кўп қисми асосий озукавий компонентлар бўйича мувозанатли эмаслиги учун баҳона бўлолмайди. Бу, биринчидан. Иккинчидан, тайёр маҳсулотнинг, қай кўринишда бўлмасин, иқтисодий самарадорлиги, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги хомашёсининг ҳажми ва сифатига боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги хомашёси параметрлари, шунингдек, харажатлар агросаноат мажмуасининг якуний маҳсулотини ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш омилларининг қай даражада таъсир этганлигига боғлиқ.

Масалан, ёш қорамолларнинг етказиб бериш вазнини 350 килограммдан 400 килограммгача ошириш, ўртача суткалик вазн ортиши 800 граммга тенг бўлса, мол гўшти етиштириш худди шу сондаги чорва моллари билан 36 фоизга, етказиб бериш вазни билан эса 52 фоизга, яъни 500 кг гача етади. Шу билан бирга, гўшт таннархини пасайтириш

орқали уни ишлаб чиқариш рентабеллигини 30 дан 54 %гача ошириш мумкин ёки тескари мисол. Лавлаги таркибидаги қанд миқдорини атиги 1 фоизга камайтириш йилига 830-850 минг тонна шакар йўқотилишига олиб келади. Сутнинг ёғлилигини 1 %га камайтириш 1 миллион сигир ишлаб чиқарадиган сут маҳсулотлари миқдорига тенг. Айти пайтда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини баҳолаш бўйича мавжуд кўрсаткичлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тўлиқ ҳисобга олмайди ва рағбатлантирмайди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси ва сифати хомашё ва якуний маҳсулот ишлаб чиқариш нисбатида муҳим аҳамиятга эга. Гап шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йўқотилишини камайтириш, хавфсизлигини ошириш, чуқур, кам чиқинди ва чиқиндисиз ишлаб чиқариш ҳақида бормоқда. Масалан, бир тонна буғдойдан оддий тегирмонда энг юқори навли ун чиқиши 250-300 кг ни ташкил этса, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тегирмонларда эса бу кўрсаткич 2,5 баробар кўпдир. Шунингдек, сақлаш вақтида маҳсулотларнинг совутилиши ҳам катта таъсир кўрсатади: бу ҳолда доннинг сақлаш муддати 5-6 баробар ортади; мева ва сабзавотларнинг йўқотилиши 5-10 баробар камаяди. Гўштни бир фазали музлатиш усули сақлаш вақтида унинг табиий йўқотилишини 35-40 %га камайтириш имконини беради. Бундан ташқари полимер қадоқлаш материаллари гўшт сифатини сақлаб қолади ва сақлаш вақтида унинг йўқотилишини яна 2-3 %га камайтиради. Сабзавотларни идишларда сақлаш уяда сақлашга нисбатан стандарт маҳсулотларнинг ҳосилдорлигини оширади: сабзи – 5 %га, карам – 15 %га, дастурхон лавлаги – 5-6 %га.

Амалиёт шуни кўрсатадики, агросаноат мажмуасининг иккинчи (қишлоқ хўжалиги) ва учинчи (қайта ишлаш саноати) соҳалари туташган жойларда, шунингдек, ушбу соҳаларнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сезиларли йўқотишлари содир бўлади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, унинг 30 %гачаси якуний маҳсулотга айланмасдан йўқолади. Аммо бу нафақат агросаноат мажмуасининг бошланғич (хом) ва якуний маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмидаги катта тафовутдан, балки етказиб бериладиган хомашёнинг бир хил ҳажмлари билан якуний маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим захираларидан ҳам далолат беради. Бундан ташқари йўқотиш сабабларини бартавраф этиш харажатлари бир хил ҳажмдаги маҳ-

сулотларни қўшимча ишлаб чиқаришга қараганда 2-3 баравар кам. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари шуни кўрсатдики, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида йўқотишларни камайтириш гўшт ва сутнинг якуний ҳосилдорлигини 10-15 фоизга, донни 20-25 фоизга, мева ва сабзавотларни 30-40 фоизга ошириш имконини беради.

Юқоридагилардан маълумки, қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашнинг замонавий усуллари нафақат йўқотишларни камайтириш, балки кам чиқинди ва чиқиндисиз технологияларни қўллаш, ассортиментни кенгайтириш (диверсификация) орқали жамият эҳтиёжларини бир хил ҳажмларда тўлиқ қондириш имконини беради. Ваҳоланки, ҳозирги замон агрокластерлар фаолиятидаги технологик занжирда, юқорида эслатиб ўтилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида вужудга келган оралиқ – қимматли хомашё маҳсулотларни иқтисодий жиҳатдан самарали якуний товар маҳсулотга айлантирилишининг мувозанатли нисбатига олиб келинади. Бинобарин, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга биноан бундан кўзланган асосий мақсад аграр соҳанинг дастлабки ва оралиқ маҳсулотларини самарасиз экспортга йўналтирмасликдир.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, аграр соҳанинг турли дастлабки маҳсулотларининг кейинги кўринишдаги “тақдир”ини, мамлакатимизда ташкил қилинган ва қилинаётган агрокластерлар ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари тўғри йўлга қўяди, деб ҳисоблаймиз. Ваҳоланки, агросаноат интеграцияси шу йўналишдаги кластерлар фаолиятида намоён бўлмоқда. Демак, мамлакатимиз иқтисодиётида “қўшилган қиймат занжири”нинг амал қилиши ҳозирги замон кластерларининг фаолияти билан узвий боғлиқдир. Шундай экан, кластерлар фаолиятига тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Кластер ягона технологик занжирга бирлаштирилган аграр, саноат ва бошқа издош корхоналар мажмуасидир. Агар кластер лойиҳасига [17] назар ташлайдиган бўлсак, унга кўра турли хил ишлаб чиқаришлар ягона технологик занжирга бирлаштириш билан биргаликда кластер таркибида илмий-техник кенгаш, илмий марказ ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенгашлар тузилган ва фаолият кўрсатишмоқда. Лойиҳага кўра, мазкур кластер тизимида жами 8 та компания фаолияти йўлга қўйилган. Булар: пахта экиш (5 та компанияни ўз ичига олади) комплекси, пахтани қайта ишлаш ва тозалаш заводи, тўқимачилик (5 та

фабрикани ўз ичига олган) комплекси, ёғ-мой заводи, 12 минг қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси, биогаз ишлаб чиқариш заводи, 20 гектарлик замонавий иссиқхона, 25 турдан ортиқ сут ва гўшт маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналардир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 125 та пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият кўрсатмоқда. Буларда пахта хомашёси ўзлари томонидан етиштирилиб, қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, пировардида экспорт-боп тайёр маҳсулотларга айлантирилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сонли қарорига кўра: “Пахта-тўқимачилик кластери” – “Bukhara Cotton Textile” Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси, “Paraglide LTD” қўшма корхонаси ва “Petromaruz” (Россия) компанияси 123,1 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармояларни киритиш билан шакллантирилган ва бугунги кунда фаолият кўрсатмоқда.

Бу лойиҳанинг Бош мувофиқлаштирувчиси (Буюк Британия) ва Маҳаллий ҳокимият томонидан бошқарилувчи ушбу кластерга киритилган сармоя, асосан, мавжуд йиғириш, тўқув ва тикув-трикотаж қувватларини жойида йириклаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган. Бу кластернинг таркибига кўра, Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, аҳоли турли қатламларининг бандлигини, реал даромадларини изчил оширувчи, миллий бойлигимиз – пахтани экишдан бошлаб ҳосил етиштириш, уни чуқур-тўлиқ қайта ишлаб, яъни барча технологик босқичлардан ўтиб, тайёр маҳсулот етиштириб, экспортга жўнатишгача бўлган тизим шакллантирилган.

Бу кластер мажмуаси ички ва ташқи бозорга йилига 1,5 миллион тайёр маҳсулот, 2,5 минг тонна калава ип, қарийб 4 миллион поғона метр тўқима етказиб бериш имкониятига эга. Унинг 2018-2021 йиллардаги кўрсаткичлари қуйидагича бўлган: бу лойиҳадаги кластер хўжалиги 2018 йил ҳосилидан тайёрланган маҳсулотлар экспортини 45 миллион, 2020 йилда 100 миллион, 2021 йилда 150 миллион АҚШ долларига етказди.

Ягона технологик занжирга бирлаштирилган “Кластер хўжалиги” инновацияларни янада кенгроқ ўзлаштиришга интилмоқда. Инновация соҳасидаги ҳамкорлик инновацион жараёнларни кучайтирувчи, уйғунлашган фаол инновацион муҳитни шакллантирувчи, стратегик шериклар ва таъминотчиларнинг ўзаро тажриба алмашинувини ҳамда юксалиши ва янгиланишини таъминламоқда. Кўриниб турибдики, ушбу тизим кенг қатламли агросаноат интеграциясидан далолат беради ва бу интеграция кластер кўринишида технологик жараёнларни ягона занжирга бирлаштириб, пировардида “қўшимча қиймат занжири”ни ҳосил қилади.

Қўшилган қиймат занжирининг иқтисодий самарадорлигига тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда бу масала кўпчиликни қизиқтирмоқда. “Жаҳон бозорида 1 килограмм пахта толаси 1-1,5 АҚШ долларига баҳоланади. У йиғилиб, калава ип қилинса, қиймати 7-8 долларга, агар ундан мато тўқилиб, тайёр маҳсулот, дейлик 3 та эркаклар қўйлаги тикилса, қўшимча қиймат яна ортиб 100 долларга айланади. Ёки бўлмаса, кластер тизимида қайта ишланган 1 килограмм толадан тўқилган мато битта Деним-индиго жинси шими тикиш учун етарлидир. Ваҳоланки, бундай тайёр маҳсулот дунё бозорида 500-1000 долларгача сотилади” [19, 130-6].

1-жадвал

Енгил саноатда қўшилган қиймат занжирининг ҳосил қилиниши

Маҳсулот номи	Ўл.бирлиги	Ишлаб чиқариш ҳажми	Ўртача баҳо, маҳсулот бирлиги, сўмда	Маҳсулот қиймати, минг сўмда	Пахта толаси қийматининг ўсиш даражаси, маротаба
1. Пахта хомашёси	кг	1000	X	X	X
2. Пахта толаси	кг	347	3296,2	1143,8	1
3. Йиғирилган ип	кг	308,6	5928,4	1829,4	1,60
4. 85 % пахтадан иборат бўялган тайёр пахта матоси	кг	363,0	1205,7	2152,3	X
4.1. Бўялган тайёр пахта матоси – 1 кв. м матога 210 гр ипдан иборат	кв. м	1728,8	1205,7	2084,4	4,8
4.2. Аёллар қўйлаги – 1 донасига 1,6 кв.м матодан иборат	шт.	1080	30288,6	30790,0	26,9
5. Трикотаж матоси	м	1295	1,98	2,6	X
	кг	308,6	8325,2	2569,1	5,9
5.1. Эркаклар футболкаси	шт.	2000	3632,1	7264,2	6,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра муаллиф баҳоси [16, 21-6].

Бошқа мисол. Мутахассисларнинг ҳисоблашига кўра, 1 тонна пахтани хомашё сифатида экспортга чиқариш, охиригача қайта ишлаб тайёр маҳсулот кўринишида чиқаришга қараганда: тикувчилик маҳсулотлари 28 марта, трикотаж эса 6-7 марта кам қиймат келтиради [16, 21-б]. Буни қуйидаги таблицда кўриш мумкин:

Кўриниб турибдики, қўшилган қиймат занжири шаклида фойданинг салмоғи нақадар катта.

Шу принципга амал қилган ҳолда, қатор чет мамлакатлар: Хитой, Бангладеш, Ҳиндистон, Туркия ўзининг тўқимачилик саноатини қисқа вақт ичида ривожлантиришга эришган [16, 21-б]. Ҳозирги даврда жаҳонда кластерлар фаолиятининг Европа, Шимолий Америка ва Осиё моделлари кенг тарқалган [10]. Ваҳоланки, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда, барча ҳудудларда кластер усулининг кенг қулоч ёзаётганлигининг асл сабаби ҳам мана шундадир.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб, “қўшилган қиймат занжири” тушунчасини аниқлайдиган бўлсак, бу термин ҳали айтарли даражада талқин қилиб улгурилмаганга ўхшайди, чунки бунинг иқтисодий ҳаётга кириб келганига кўп вақт бўлмади. Шунинг учун бу терминнинг таърифини иқтисодий луғатларда, қолаверса, энциклопедиялар, ҳатто, энг янги дарсликларда [18] ҳам учратмадик.

Шундай экан, аввало, бу терминнинг луғавий маъносини аниқлашда, илмий асосда ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги терминологиясининг принципларига [25] солиштиришимизга кўра аниқландики, “қўшилган қиймат занжири” махсус – уч қатламли тушунча бўлиб, “қўшилган”, “қиймат” ва “занжир” терминларининг бирлашувидан ташкил топган. Айтиб ўтганимиздек, бу термин янги бўлиб, келиб чиқишига кўра, мамлакатимизда кластерлар фаолиятининг шаклланиши билан узвий боғлиқдир. Бу агросаноат интеграциясидаги иқтисодий муносабатлар туташувининг йиғиндиси бўлиб, бугунги кунда юқорида кўриб ўтганимиздек, кўпроқ кластерларнинг комплекс фаолиятида учратиш мумкин.

Қўшилган қиймат тушунчаси маълум, агар дастлаб Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясига назар ташласак: “Қўшилган қиймат ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнида муайян бир фирма, корхонада янгидан яратилган, бевосита ўстирилган, маҳсулотнинг олдинги қийматига қўшилган қийматдир” [27] деб талқин қилинган. Бошқача қилиб таърифлайдиган бўлсак, қўшилган қий-

мат микроиқтисодиётда турли хўжалик субъектлари фаолиятларида, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда дастлабки сарфлаган капиталига нисбатан ортиқча – янгидан яратилган қийматдир. “Занжир” сўзи эса оммавий тушунилишга кўра боғлиқни англатади, яъни бу оддий боғлиқ бўлибгина қолмай, балки темирдан ясалган мустаҳкам боғлиқ демакдир. Бу мустаҳкам боғлиқ бир нечта ҳалқалардан ташкил топган. Бундаги ҳар бир ҳалқа ўзидан олдингиси ва кейингиси билан узвий равишда улангандир. Аниқроғи, занжир узвий равишда бир-бири билан уланган – туташ ҳалқаларнинг бирлашувидан иборатдир. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясига кўра: “Занжир – 1) бирин-кетин бириктирилган металл ҳалқалардан тайёрланадиган эгилювчи буюм; 2) машина ва иншоотларнинг кетма-кет бириктирилган звенолардан иборат эгилювчан қисми” [27. 3-жилд (гидр.-зеб.) 669-б.].

Шундай экан, агар “шу тасаввурни” агросаноат интеграциясининг технологик жараёнига татбиқ этадиган бўлсак, ўйлаймизки, унда иштирок этган ҳар бир бўғинлар якуний натижаларининг йиғиндисидан “қўшилган қиймат занжири” тушунчасига эга бўламиз. Масалан, пахта-тўқимачилик кластерларида: пахта хомашёсини етиштириш, дастлабки қайта ишлаш (пахтани чигитидан ажратиш) ва тозалаш, ип йиғириш, матони тўқиш, матони бўйаш, матони тикиш – турли хил тайёр маҳсулотга айлантирилиши ва бошқа жараёнларнинг ҳар бирида янги қийматнинг яратилиши. Бу ҳар бир бўғинларнинг ишлаб чиқарган (оралиқ) маҳсулоти кейингиси учун хомашё бўлиб хизмат қилади ва шу асосга кўра янги қиймат вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда, агросаноат интеграциясига қўшилган ҳар бир бўғинда ҳосил қилинган қўшилган қийматни ягона ҳалқа деб тасаввур қиладиган бўлсак, технологик кетма-кетликдаги уларнинг бирлашуви занжирни ташкил этиши аниқ. Бинобарин, шундай зайлда “қўшилган қиймат занжири” тушунчасига эга бўламиз.

Демак, “қўшилган қиймат занжири” тушунчаси агросаноат интеграциясига бирлашган корхоналар, издош ишлаб чиқариш бўғинларининг кетма-кетликда янгидан яратган қўшилган қийматларининг йиғиндисидир” десак, хато қилмаган бўламиз. Ўйлаймизки, “қўшилган қиймат занжири”нинг бундай ҳосил қилиниши, нафақат агросаноатда, балки бошқа соҳаларда ҳам турлича кўринишда амал қилиши муқаррар. Шу билан бирга, масалага иқтисодиёт назарияси фани нуқтаи

назаридан қарайдиган бўлсак, “қўшилган қиймат занжири” тушунчаси ўзининг фан ва амалиётда қарор топганлиги билан, шунингдек, моҳиятига кўра иқтисодий категория ҳисобланади. Ваҳоланки, бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан унинг турли соҳаларида “қўшилган қиймат занжири”нинг амал қилиши ва ривожланиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин ва у бу билан иқтисодий қонунга айланиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим роль ўйнаётганлиги бунинг яққол мисолидир.

Ўтган беш йилга назар ташласак, Президентимизнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат салмоғини ошириш мақсадида кластер усулидан фойдаланиш ғояси ҳаётда ўз самарасини бермоқда. Шу йиллар мобайнида мамлакатимизда 463 та агрокластер ташкил этилган [28]. Булар: 122 та пахта-тўқимачилик, 157 та ғаллачилик, 146 таси мева-сабзавотчилик, 29 таси шолчилик, 9 таси дориворчилик йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Агрокластерлар томонидан пахтанинг 100 фоизи, ғалланинг 91,7 фоизи, мева-сабзавотнинг 7,2 фоизи қайта ишланмоқда. Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Шунга қарамасдан, қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда старт даражада турибмиз. ОАВ маълумотларига қараганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бинобарин, мамлакатимиз иқтисодиётида ҳали ҳам хомашёга йўналтирилганлик устун туради. Ўзбекистон хомашёсининг экспортидаги улуши 74 фоизни, юксак замонавий технологияларни қўллаш бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар эса бор-йўғи 1,7 фоизни ташкил этади, холос. Кўриниб турибдики, бундай ҳолат Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат тақсимотида паст ўринда эканлигидан далолат беради.

Шунинг учун мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат “қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш” вазифасини қўйган. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. “Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисо-

диётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”нинг устувор йўналиши бўйича белгиланган вазифалардан бири – 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача тушириш белгиланган” [3].

Бинобарин, “стратегия”ни амалга ошириш натижасида эришиладиган асосий кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирининг кўзланган моделини амалиётда шакллантириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бирлашмалари шериклигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 2018 йилга нисбатан 2025 йилда 23 %га ва 2030 йилга бориб эса 30 %ни эгаллаши лозим. Шунингдек, умумий экспорт ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улушининг ўсиши шу йилларда 35-40 %ни ташкил этиши мўлжалланган. Буларнинг натижасида энг муҳим кўрсаткич – Жаҳон банкининг глобал логистика самарадорлиги индекси бўйича Ўзбекистон ўрнини яхшилаш (Logistics Performance Index), 2025 йилга 10 пунктга кўтариш, 2030 йилга бориб эса 20 пунктга кўтариш мўлжалланган [2].

Албатта, бундай буюк мақсадга эришишнинг имконияти қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш ҳисобигадир.

Хулоса ва таклифлар.

1. Мавзуни ўрганишдан дастлабки хулоса шуки, тадбиркорлик эволюциясининг ривожланиш босқичларини бир-бири билан таққослайдиган бўлсак, бу вазиятда энг характерлиси, диққатни жалб қиладиган ўзгариш шундаки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг йўналишида бевосита предмети, объекти бўлиб келган пахтачиликни эслаймиз. Агар Ўзбекистон иқтисодиёти мустақилликкача, ҳам капитализм, ҳам социализм даврларида асосий хомашё базаси бўлиб келган бўлса, **янги босқичда** вазият тубдан ўзгарди. Ўзбекистон иқтисодиёти аста-секинлик билан хомашё базаси бўлишидан халос бўлди. Бинобарин, ҳаммага маълумки, Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида бу вазиятдан чиқиб кетиши осон кечмади. Ваҳоланки, кейинги вақтларда ҳукуватимиз раҳбариятининг бош тадбиркорлиги туфайли ривожланишнинг “Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилиниб, мамлакатимизда кластерлар тизими ташкил қилинди ва уларнинг комплекс фаолияти туфайли қўшилган қиймат занжири механизми ташкилланди, пировардида эса бевосита тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтилди. Шу сабабли мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда.

2. Шу билан бирга, ташиш ва сақлашни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигининг дастлабки маҳсулотини чиқиндисиз қайта ишлашни йўлга қўйиш агросаноат мажмуи ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини сезиларли даражада модернизация қилишни тақозо этади. Шуни ҳам айтиш жоизки, якуний маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари, ҳеч бўлмаганда, дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқариш суръатларига тенг бўлиши керак. Якуний маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг ортиб бориши қишлоқ хўжалиги хомашёсининг йўқотилиши ва ундан оқилона фойдаланишнинг камайишини кўрсатади ва бу қўшилган қиймат занжири ривожланишига имкониятлар яратади.

3. Республика ҳудудида агросаноат мажмуасининг мувозанатли ишлаб чиқариш қувватларини тақсимлаш ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга. Стратегик режалаштириш ва уларни ҳудудий тақсимлаш амалиётида якуний маҳсулот ҳажми ва сифатига, уни ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи жиддий камчиликлар мавжудлигини фактлар кўрсатмоқда. Кўпинча қайта ишлаш саноати корхоналарининг концентрацияси қишлоқ хўжалиги хомашёси ишлаб чиқариш концентрациясидан ошиб кетади. Хомашё етишмаслиги сабабли бир жойда ишлаб чиқариш қувватлари ишламай қолса, бошқа жойда эса ёмонлашади, қишлоқ хўжалиги хомашёси нобуд бўлади, чунки бу соҳада қайта ишлаш қувватлари етишмайди, нораціонал ташишлар содир бўлади. Қайта ишлаш саноати корхоналарини жойлаштиришда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хусусиятлари ҳар доим

ҳам ҳисобга олинмайди. Маълумки, қишлоқ хўжалиги хомашёсининг кўп турлари тез бузиладиган маҳсулотлардир, бошқалари қайта ишлаш ва сақлаш учун тезроқ жўнатишни талаб қилади. Шунинг учун агросаноат мажмуасида кўпинча (истеъмол қиймати ва якуний маҳсулот таннархи нуқтаи назаридан) кичик, аммо хомашё манбаларига яқин қайта ишлаш корхоналарига эга бўлиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлашга келсак, қоидага кўра, қишлоқ хўжалиги хомашёсидан кўра, тайёр ёки қайта ишланган маҳсулотларни қадоқлаш ва ташиш анча тежамкорлигини эслатиб ўтамиз.

Буларнинг барчаси қишлоқда етиштирилган маҳсулотни истеъмолчига етказиш билан боғлиқ қайта ишлаш, сақлаш ва бошқа соҳаларни устувор ривожлантириш таркибий ўзгартиришларда муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Бизнингча, улар агросаноат мажмуасининг якуний натижаларини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

4. Юқоридагиларга асосланиб, умумий хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти нафақат аграр соҳада, балки бошқа соҳаларда ҳам Янги Ўзбекистоннинг кўзланган Тараққиёт стратегиясини таъминловчи етакчи кучга айланди. Ваҳоланки, бунда тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган ислохотлар ҳамда рақобатни рағбатлантириш борасида тадбиркорлик эркинлигини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш зарурдир, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. Учинчи нашр. – Т.: "O'zbekiston" нашриёти, 2022. – 159 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони. // *Халқ сўзи*. 2019 йил 24 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони. // *Халқ сўзи*. 2022 йил 29 январь.
4. Зоҳидов Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубияти. Монография. – Т.: "Fan" нашриёти, 2016.
5. Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Муродова М. Агрокластер: ташкил этишнинг назарий асослари. // *Иқтисод ва молия*. 2014. 2-сон. 19-25-бетлар.
6. Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Муродова М. Агрокластерларни ташкил этишда Жанубий Корея тажрибасидан фойдаланишнинг йўналишлари. // *Иқтисод ва молия*. 2014. 3-сон. 39-44-бетлар.
7. Маматқобулов Ш., Жалилов Ш. Кластер тизимида сифат ва иқтисодий самарадорлик масалалари. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2021. 1-сон. 95-97-бетлар.
8. Джаббаров С. Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2021. 2-сон. 103-105-бетлар.
9. Тошболтаев М. Инновацион кластерларнинг моҳияти ва ривожланиш истиқболлари. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2019. 3-сон. 3, 4-бетлар.

10. Бурхонов А., Абдувохидов А., Тошбоев Б. Ўзбекистонда кластерлар фаолиятини ташкил этишининг ўзига хос жиҳатлари. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2019. 3-сон. 107-109-бетлар.
11. Раджабов К., Эркаева Б. Особенности формирования и организационная модель региональных межотраслевых кластеров в текстильной промышленности. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2019. 5-сон. 119-120-бетлар.
12. Ўлжабоев К., Ярашова В. Агротрастерлар тараққиётининг логистик аспекти. // *O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi*. 2019. 2-сон. 28-30-бетлар.
13. Абдуқодирова С., Минасипов Б. Ўзбекистон шароитида агротрастерлар ҳудудини тақил этишининг самарадорлиги. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2022. 4-сон. 44-б.
14. Абдуқодирова С. Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ туманида пахтачилик агротрастерларини ташкил этиш хусусиятлари. // *Agro ilm – O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2022. 2-сон. 95, 96-бетлар.
15. Мирзаев Қ.Ж., Раҳимова З.К. Агротрастерлар кластерлаш. // *Иқтисод ва молия*. 2020. 3-сон. 38-44-бетлар.
16. Архипова О. Глубокая переработка сырья – основной резерв развития текстильной промышленности Узбекистана. // *Бозор, пул ва кредит*. 2017. 10-сон. 18-25-бетлар.
17. Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. – Т.: Замин нашр, 2018. 19-бет.
18. Шодмонов Ш, Раҳматов М. Иқтисодиёт назарияси. Дасрлик. – Т.: Замин нашр, 2021.
19. Базаров Х.Х., Додобоев Ю.Т., Ўринов А.А., Халматжонов Г.Д., Қорабоева Р.Б. Агротрастерлар мажмуаси иқтисодиётини кластерлаштириш (Ўқув қўлланма). – Т.: “Classic” нашриёти, 2022.
20. Margianti E.S. ets. *Entrepreneurship in Uzbekistan: trends, competitiveness, efficiency*. – Indonesia, Jakarta, Gunadarma Publisher, 2016.
21. Курпаяниди К.И. Оценка эффективности развития предпринимательства в Узбекистане. – *International Book Market Servict Ltd., Germany*, 2018.
22. Курпаяниди К.И., Ашуров М.С. Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолати ва уни самарали ривожлантириш муаммоларини баҳолаш. Монография. *GlobEdit Academic Publishing, European Union*, 2019.
23. Арипов О.А. Приоритетные направления развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. // *Российское предпринимательство*, 2017, т. 18, № 24.
24. Хаджимуратов А.А. Распределение продукта агропромышленного производства. – Санкт-Петербург, Изд.СПбУЭФ, 1992. 15-б.
25. Жанонова С. Терминология в сельском хозяйстве. // *O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2021. 8-сон. 43, 44-бетлар.
26. “Инновацион иқтисодиётда кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд ш. 2022 йил 14-15 март. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети.
27. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 11-жилд. Давлат илмий нашри, 2005. (Қизилқум-Хўрмуз). 199-бет.
28. Абдуалимов Э., Ташбаев И. Янги Ўзбекистон: Қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиш йўлида. // *O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi*. 2021. 9-сон. 7-8-бетлар.
29. Шодмонов Ш. Қўшимча маҳсулотнинг янги мазмуни. // Рақамли иқтисодиётни шакллантиришининг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари. Халқаро он-лайн илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Т., 2020 йил 20 май.